

**ЖИЗЗАХ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03.04.06.2020.Ped.113.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ
ИНСТИТУТИ**

ҚУРБОНОВА ДИЛНОЗА АРСЛАНОВНА

**ИНГЛИЗ ТИЛИ ДАРСЛАРИДА УМУМИЙ ЎРТА ТАЪЛИМ
МАКТАБЛАРИ ЎҚУВЧИЛАРИДА МАДАНИЯТЛАРАРО
БАҒРИКЕНГЛИК КОМПЕТЕНЦИЯСИНИ
ШАКЛЛАНТИРИШ МЕХАНИЗМЛАРИ**

13.00.01 – Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Жиззах – 2023

УЎК: 378.937.183(071.1)

Диссертацияси автореферати мушарриҳаси

Оглавление автореферата докторской диссертации

Content of the abstract of doctoral dissertation

Қурбонова Дилноза Арслановна Инглиз тили дарсларида умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчиларида маданиятлараро бағрикенглик компетенциясини шакллантириш механизмлари.....	3
Қурбонова Дилноза Арслановна Механизмы формирования межкультурной толерантности у учащихся общих средних школ на уроках английского языка.....	22
Kurbonova Dilnoza Arslanovna Mechanisms of the formation of intercultural tolerance competence on secondary school pupils in English classes.....	41
Эълон қилинган ишлар рўйхати Список опубликованных работ List of published works.....	45

ЖИЗЗАХ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03.04.06.2020.Ped.113.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
ЎЗБЕКИСТОН ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ
ИНСТИТУТИ

ҚУРБОНОВА ДИЛНОЗА АРСЛАНОВНА

**ИНГЛИЗ ТИЛИ ДАРСЛАРИДА УМУМИЙ ЎРТА ТАЪЛИМ
МАКТАБЛАРИ ЎҚУВЧИЛАРИДА МАДАНИЯТЛАРАРО
БАҒРИКЕНГЛИК КОМПЕТЕНЦИЯСИНИ
ШАКЛЛАНТИРИШ МЕХАНИЗМЛАРИ**

13.00.01 – Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Жиззах – 2023

Педогогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси
Ўзбекистон Вақирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида
B2021.1.Phd/Ped174 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон педогогика фанлари илмий таълиқот институтида
бажаришган.

Диссертация авторферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий
контаннинг веб-сайтида (www.jrri.uz) ҳамда "Ziyoue" акборот-таълим порталда
(www.ziyoue.com) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Меҳетова Раушан Маваддираева
педогогика фанлари доктори, доцент

Расмий ошпонентлар:

Жўракулов Фуракат Норийитович
солиология фанлари доктори, профессор

Ибрагимова Феруза Холбесына
педогогика фанлари номзоди, доцент

Етаъин ташкилот:

Қарши давлат университети

Диссертация ҳамюқси Жигзах давлат педогогика институти ҳузуридаги
PhD 03.04.06.2020.Ped.113.01 рақамли Илмий кенгашининг 2023 йили
"15" сент "14" даги мажлисида бўлиб ўтди (Манзил: 130100, Жигзах шаҳри,
Ш.Рашидов кўчаси, 4-ўй. Тел.: (+99872) 226-13-57; факс: (+99872) 226-46-56; e-mail:
jrri.info@shp.uz) Жигзах давлат педогогика университети Бош ўқув бино, 2-қават,
мавзулар залн).

Диссертацияси билан Жигзах давлат педогогика университетининг Акборот-ресурс
марказида таншиш мумкин (рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 130100,
Жигзах шаҳри, Ш.Рашидов кўчаси, 4-ўй. Тел.: (+99872) 226-13-57; факс: (+99872) 226-46-
56.

Диссертация авторферати 2023 йил " " кўни тарқатилди.
(2023 йил " " даги " " рақамли респстр баённомасн).



Илмий дароқалар беруочи илмий кенгаши
Илмий котиби, п.ф.н., доцент
"Х.А.Мелиев
Илмий дароқалар беруочи илмий кенгаши
кошпақтн илмий семинар раиси, п.ф.н., профессор

КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда чет тили дарсларида ўқувчиларда бағрикенглик, маданиятлараро бағрикенглик тушуналларини хосил қилиш етакчи ўринлардан бирини эгалламоқда. Дунё микёсида ўқувчиларда маданиятлараро бағрикенгликни ижтимоий-маънавий қадрият сифатида шакллантириш ва унинг педогогик имкониятларини кенгайтиришнинг нечотгли аҳамиятли эканлиги бугунги кунга қадар бир қанча олимлар томонидан назарий жиҳатдан асослаб берилган. Рақамли таълим, рақамли иқтисодийёт шароитида умумтаълим мактабларида ўқувчиларига тил ўргатишга замонавий педогогик технологиялардан кенг фойдаланилиб келинмоқда. Инглиз тили дарсларида ўқувчиларга тил билан уйғун ҳолда дунё маданиятини ўргатишга ҳам эътибор қаратилмоқда. Хорижий тил ва маданиятни ўқувчиларга ўргатиш орқали ўқувчиларни тил ўргатишга бўлган кўникмаларини ва қизқишларини ривожлантириш мўхим аҳамият қасб этмоқда.

Жаҳон илмий-таълиқот ва таълим муассасаларида замонавий меҳнат бозори талаблари асосида таълим жараёнларини ташкил этиш, ўқитишни янги стратегияларга мослаштириш, таълимий акборот базасининг қасбий феолиятга алоқадор илмий-таълиқот ишлари олиб боришмоқда. Бу борада, ўқувчиларда янги билимларни ўзлаштиришга бўлган мотивацияни шакллантириш, ўқувчи маънавиятини ривожлантириш, маданиятлараро бағрикенглик мўхим ахлоқий мевёр сифатида ҳар бир шахсда шаклланиши лозимлигига алоқида эътибор берилмоқда.

Республикада сўнгги йилларда технология таълимнинг методик таъминотини тақомиллаштириш, инновацион ёндашулар асосида мактаб ўқувчиларини хорижий тилларни ўргатиши юзасидан кенг қамровли чора тадбирлар амалга оширилиб, мўайян натижаларга эришилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида "умумий ўрта таълим сифатини тубдан ошириш, чет тиллар, информатика ҳамда математика, физика, кимё, биология каби бошқа мўхим ва талаб юқори бўлган фанларни чуқурлаштирилган тарзда ўргатиш"¹ бўйича мўхим вазибаларни белгилаб беради. Ушбу вазибаларни амалга оширишда, жумладан, ўқувчиларда маданиятлараро бағрикенглик тушуначасини шакллантиришда чет тили дарслари алоқида аҳамият қасб этиди. Маданиятлараро бағрикенглик муносабатларига ҳорижий тилларни ўқитишнинг ажралмас қисми сифатида қаралишга иккита асосий сабабни кўрсатиш мумкин. Биринчиси: инглиз тилининг халқаро ўринга эга бўлиши, яъни турли хил жабаҳаларда мулоқот қалити сифатида бўлса, иккинчиси, глобалзация, ўзга маданият аҳолисининг бошқа маданий шароитта кўчиши туфайлидир. Бу эса, ўз навбатида, ўқувчиларнинг чет тили кўникмалари билан бирга маданиятлараро бағрикенглик компетенциясини шакллантириш

¹ "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси туфайлида"ни Ўзбекистон Республикасини Президентининг Формони – Т.: Адолит, 2017. – Б. 22.

вазирларнинг ташкил этишнинг дидактик тизимини такомиллаштириш, унинг интеррациаллашган мазмунига замонавий ёндашувларни сингдириш, бунда чет тили таълимнинг методик имкониятларини аниқлаштириш, ўқувчиларнинг маданиятларро бағрикенглик компетенциясини шакллантиришга йўналтирилган педагогик жараён моделини замонавий ёндашувлар асосида такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг таълимга бўлган замонавий ёндашуви 2020 йил 23 сентябрдаги "Таълим тўғрисида"ги УРК-637-сонли қонуни, Ўзбекистон Республикасининг Президентининг 2012 йил 10 декабрдаги "Чет тилларини ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида"ги қарори, 2017 йил 11 августдаги "Таълим муассасаларида хорижий тилларни ўқитишнинг сифатини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 610-сонли ва Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 28 январдаги "Янги Ўзбекистонни ривожлантириш стратегияси тўғрисида"ги ПФ-60-сонли қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 19 майдаги "Хорижий тилларни ўрганишни оммалаштиришни самарали ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 312-сонли қарори ҳамда мазкур фазолията тегишли бошқа меърий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифалар ижро механизmlарини такомиллаштиришга мазкур диссертация иши муайян даражада хизмат қилди.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг ўсгүвор йўналлишларига мослиги. Мазкур тадқиқот иши республика фан ва технологиялар ривожланишининг I "Абзорлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион қозғал тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари" ўсгүвор йўналлиши бўйича бахарилиган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Абу Али ибн Сино, Абу Исо аз Термизий, Абу Наср Фаробий, Алшар Навоий, Амир Темур, Захриддин Муҳаммад Бобур, Мирзо Улугбек, Юсуф Хос Хожиблар ўз асарларида бағрикенгликка доир ўз қараш ва таълимотларини баён қилганлар. Бағрикенглик, бағрикенгликни шакллантириш, маданиятларро бағрикенглик бўйича мамлакатинида А.Абдурахимова, Г.Р.Акрамова, А.Ж.Атажнова, Н.Х.Вохидова, З.М.Исламов, Э.Каримова, У.Р.Қушаев, Р.М.Медетова, Б.А.Нормуродова, Г.М.Рузматова, М.С.Хажиевалар томонидан илмий ишлар қиллиган. Шу билан бирга, ўзбек олимларидан Э.Каримова 2003 йилда "Ўзбек толеранглигининг этнорегионал хусусиятларини солиқологик ўрганиш", Г.Р.Акрамова 2007 йилда "Бошлангич синф ўқувчиларида толеранглик тушуночаларини шакллантиришнинг дидактик асослари" ва Р.М.Медетова 2020 йилда "Формирование толерантности у школьников на основе использования национальных традиций" мавзуларида диссертация ишларини химоя қилганлар.

Ўқувчиларда толерангликни шакллантириш соҳасида МДХ давлатларида Е.М.Галишикова, Е.Максимчук, Р.Н.Сафина, В.Харьковская, Б.А.Шамхалова, Т.Шутовалар томонидан бир қатор илмий ишлар бахарилиган. Россия олимларидан Р.Р.Валитова 1997 йилда "Толерантность как этическая проблема", И.В.Крутова 2002 йилда "Формирование у старшеклассников отношения к толерантности как социально значимой ценности в обучении гуманитарных дисциплинам" ва О.Б.Скрябина "Педагогические условия формирования коммуникативной толерантности у старшеклассников" мавзуларида диссертацияларини химоя қилган.

Хорижлик олимлар томонидан милятларро бағрикенглик, дарсларда милятларро ва маданиятларро бағрикенглик масалалари юзасидан тадқиқот ишлари олиб борилган. Жумладан, Америка Қушма Штатларидан Э.Д.Элстон, Буюк Британиядан М.Жоржес, Европа Иттифоқидан М.Магдалена ва М.Дорн кабилар маданиятларро бағрикенглик ва бағрикенглик устида ишлаган. Бирок "Инглиз тили дарсларида умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчиларида маданиятларро бағрикенглик компетенциясини шакллантириш механизmlари" мавзуси алоҳида диссертацион тадқиқот объекти бўлган эмас.

Диссертация мавзусининг диссертация бахарилиётган илмий тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Ўзбекистон Педагогика фанлари илмий тадқиқот институтида амалга оширилган Ф3-2016-0909111822-сонли "Дарслиқлар ва ўқув адабиётлари мазмунига Шарк педагогик тафаккури дурдоналарини сингдириш орқали ўқувчиларда "оммавий маданият"га қарши курашчанлик кўникмагарини шакллантириш механизmlари" номида фундаментал тадқиқот лойиҳаси (2017-2020 йй) ҳамда Жиззах политехника институти илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ: "Талабларда асертив хулқни шакллантиришнинг ижтимоий-психологик хусусиятлари" (2017-2019 йй) мавзусидаги амалий лойиҳалар ва "АП ¼ – "Қасб хунарга йўналтирилган марказ ва электроника бўйича қўшма ўқув лаборатория яратиш" (2019-2021 йй) мавзусидаги халқаро амалий тадқиқот донрасида бахарилиган.

Тадқиқотнинг максали инглиз тили дарсларида ўқувчиларда маданиятларро бағрикенглик компетенциясини шакллантириш механизmlарини яратишнинг такомиллаштиришдан нборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:
инглиз тили дарсларининг педагогик-психологик шарт-шароитлари асосланиб, ўқувчиларда маданиятларро бағрикенглик компетенциясини шакллантириш механизmlари фазолията муҳитини ташкил қилиш ва турухларро бағрикенгликни барқарорлаштирувчи ҳолатларни такомиллаштириш;

инглиз тили дарсларида маданиятларро бағрикенглик тенгҳуқуқлилик, сиёсий тенглик, ўзаро ҳамкорлик, фидонийлик, ўзгалар кадриятларига ҳурмат билан ёндалишига ўсгүворлик бериш орқали такомиллаштириш;

инглиз тили дарсларида ўқувчиларда маданиятлараро бағрикенгликни шакллантириш модели такомиллаштириш:

инглиз тили дарсларида ўқувчиларда маданиятлараро бағрикенгликни шакллантириш моделида ва технологияси воситасида бағрикенглик тушунчасидан хабардорлик даражасини ошириб, ўзаро хурмат, бағрикенглик, дўстлик каби тўғулларнинг ривожлантирилганлиги сабабига кўра самарадорликни аниқлаштириш.

Тадқиқот объекти инглиз тили дарсларида маданиятлараро бағрикенгликни шакллантириш орқали ўқувчиларнинг ўқув фаоллигини таъминлаш жараёни.

Тадқиқот предмети инглиз тили дарсларида бағрикенглик компетенциясини шакллантириш методлари, усуллари ва механизмлари.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда адекват ҳолатда ўрганишни таъминлашга қаратилган методлар мажмуи қўлланилди: назарий (таҳлилий-синтетик, киёсий-такқослаш, аналогия), педагогик-социологик (сузатиш, сўхбат, анкета, сўровнома) ва математик методлар (маълумотларни статистик қайта ишлаш, натижаларни график тасвирлаш ва бошқ.).

Тадқиқотнинг илмий янгилиги куйидагилардан иборат:

инглиз тили дарсларининг педагогик-психологик шарт-шароитлари асосланиб, ўқувчиларда маданиятлараро бағрикенглик компетенциясини шакллантириш механизмлари фаолият муҳитини ташкил қилиш, бағрикенглик хатти-ҳаракатларини ривожлантириш, этник, маданий ва диний фарқлар барқарорлигига асосланган ҳамкорлик стратегиясини яратиш ва гуруҳлараро бағрикенгликни барқарорлаштирувчи ҳолатларга ўстуворлик асосида такомиллаштирилган;

инглиз тили дарсларида маданиятлараро бағрикенглик тенгўқуллик, сиёсий тенглик, ўзаро ҳамкорлик, фидойийлик, ўзгалар қадриятларига хурмат билан ёндашишга ўстуворлик бериш орқали такомиллаштирилган;

инглиз тили дарсларида ўқувчиларда маданиятлараро бағрикенгликни шакллантириш модели таълим мазмуни, методлари, воситалари, маданиятлараро бағрикенглик компетенциясини шакллантириш орқали такомиллаштирилган;

инглиз тили дарсларида ўқувчиларда маданиятлараро бағрикенгликни шакллантириш моделида ва технологияси воситасида бағрикенглик тушунчасидан хабардорлик даражасини юксалтириб, ўзаро хурмат, раҳмдиллик, бағрикенглик, дўстлик каби тўғулларнинг ривожлантирилганлиги сабабига кўра самарадорлик аниқлаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари куйидагилардан иборат:

инглиз тили дарсларида умумий ўрта таълим мактаби ўқувчиларида маданиятлараро бағрикенглик компетенциясини шакллантириш усуллари, методлари ва механизмлари такомиллаштирилган;

инглиз тили дарсларида маданиятлараро бағрикенглик компетенциясини шакллантириш бўйича тавсиялар ҳамда ўқувчиларга мотивация берувчи топшириқлар такомиллаштирилган;

миллий қадриятлар ҳамда тарихий меросни назарда тутган ҳолда, ўз халқидан фخرланиш, миллий ўзлик ҳамда кадр-қимматни аниқлаш тўғулларини қарор топшириш асосида умумий ўрта таълим мактабларининг 5-9 синф ўқувчиларида бағрикенгликни шакллантиришнинг педагогик шарт-шароитлари аниқланган;

шаклланган бағрикенглик хислатларига эга ўқувчи модели тажриба-синовдан ўтказилган;

инглиз тили дарсларида маданиятлараро бағрикенгликка асосланган муносабат ўрнатилиш қоидалари такомиллаштирилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлиги қўлланилган ёндашув, усулларнинг илмий-методик асосланганлиги, назарий маълумотларнинг расмий манбалардан олинганлиги, келтирилган таҳлиллар, тажриба-синов ишлари самарадорлиги ва уларнинг математик-статистик таҳлили, тақлифларнинг амалиётга жорий этилганлиги ва ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти инглиз тили дарсларида умумий ўрта таълим мактаби ўқувчиларида маданиятлараро бағрикенглик компетенциясини шакллантириш даражасини ривожлантиришда муайян илмий қарашлар ҳамда инглиз тили дарсларида маданиятлараро бағрикенглик компетенциясини шакллантириш механизмларини ташкилий тузилмасини ишлаб чиқилганлиги ва такомиллаштирилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти инглиз тили дарсларида маданиятлараро бағрикенглик компетенциясини шакллантириш механизмларидан умумий ўрта таълим мактаби таълим йўналиши давлат таълим стандарти, янги авлод дарслик, ўқув ва методик қўланмаларини яратилишда кенг фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Инглиз тили дарсларида ўқувчиларда маданиятлараро бағрикенглик компетенциясини шакллантиришга оид олинган илмий натижалари асосида:

инглиз тили дарсларининг педагогик-психологик шарт-шароитлари асосланиб, ўқувчиларда маданиятлараро бағрикенглик компетенциясини шакллантириш механизмлари фаолият муҳитини ташкил қилиш, бағрикенглик хатти-ҳаракатларини ривожлантириш, этник, маданий ва диний фарқлар барқарорлигига асосланган ҳамкорлик стратегиясини яратиш ва гуруҳлараро бағрикенгликни барқарорлаштирувчи ҳолатларга ўстуворлик асосида такомиллаштирилган. Мактаб ўқувчиларида маданиятлараро бағрикенглик компетенцияси шакллантирилганини аниқлашга доир илмий-методик тавсиялар мазмунига сингдирилган (Тошкент давлат педагогика университетининг 2021 йил 15 декабрдаги 02-07-4084/04-сон маълумотномаси). Натижада, ўқувчиларда маданиятлараро бағрикенглик компетенциясини шакллантириш даражасини аниқлаштириш ва педагогик-психологик таҳлил қилишга эришилган;

инглиз тили дарсларида маданиятларро бағрикенглик тенгхуқуқлилик, снёсий тенглик, ўзаро ҳамкорлик, фидойийлик, ўзгалар қадриятларига ҳурмат билан ёндашишга ўстуворлик бериш орқали тақомиллаштирилган. Мактаб ўқувчиларида маданиятларро бағрикенглик компетенцияси шакллантирилганини аниқлашга доир илмий-методик тавсиялар ОТ-Ф1-049-рақамли “Таъабларда ассертив хулқни шакллантиришнинг ижтимоий-психологик хусусиятлари” номли амалий лойиҳа доирасида белгиланган вазифалар ижросини таъминлашга фойдаланилган (Тошкент давлат педагогика университетининг 2021 йил 15 декабрдаги 02-07-4084/04-сон маълумотномаси). Натжида, инглиз тили дарсларида умумий ўрта таълим мактаби ўқувчиларида маданиятларро бағрикенглик компетенциясини шакллантиришга доир мавзуларни тахлил қилиш ҳамда уларни тақомиллаштириш имкони яратилган;

инглиз тили дарсларида ўқувчиларда маданиятларро бағрикенгликни шакллантириш моделе таълим мазмуни, методлари, воситалари, маданиятларро бағрикенглик компетенциясини шакллантириш орқали тақомиллаштирилган. Инглиз тили дарсларида ўқувчиларнинг маданиятларро бағрикенглик кўникмақадарини фойдалантириш имконини бериш амалий ҳаракетларга топшириқлар ва дидактик материаллар ёрдамида ўқувчиларнинг ўқув фаоллигини таъминлаш мазмуни ва принципларини аниқлашга онд тавсиялар ОТ-Ф1-049-рақамли “Таъабларда ассертив хулқни шакллантиришнинг ижтимоий-психологик хусусиятлари” номли амалий лойиҳа доирасида белгиланган вазифалар ижросини таъминлашга фойдаланилган (Тошкент давлат педагогика университетининг 2021 йил 15 декабрдаги 02-07-4084/04-сон маълумотномаси). Натжида, мактаб ўқувчилари томонидан қай даражада ушбу тушунчага тўхталиб ўтилишини ўрганиб чиқишни аниқлаш имкони оширилган;

инглиз тили дарсларида ўқувчиларда маданиятларро бағрикенгликни шакллантириш методикаси ва технологияси воситасида бағрикенглик тушунчасидан хабардорлик даражасини юксалтириб, ўзаро ҳурмат, раҳмдиллик, бағрикенглик, дўстлик каби туйғуларнинг ривожлантирилганлиги сабабига кўра самарадорлик аниқлаштирилган. Инглиз тили дарсларида ўқувчиларда маданиятларро бағрикенгликни шакллантиришнинг механизмлари ўқувчиларнинг шахсий сифатларини интеллектуал ривожланиш траекторияси билан инглиз тили таълими интерациясини таъминлаш асосида ишлаб чиқилган тавсиялар АП ¼ – “Қаб-хунарга йўналтирилган марказ ва электроника бўйича кўшма ўқув лаборатория яратиш” мавзусидаги халқаро амалий лойиҳа доирасида белгиланган вазифалар ижросини таъминлашга фойдаланилган. Натжида, инглиз тили дарсларида ўқувчиларда маданиятларро бағрикенглик компетенциясини шакллантириш самарадорлигини оширишга эришилган (Тошкент давлат педагогика университетининг 2021 йил 15 декабрдаги 02-07-4084/04-сон маълумотномаси). Натжида, ўқувчиларда маданиятларро

бағрикенглик компетенциясини шакллантириш самарадорлигини оширишга эришилган.

Таджикот натжидаларининг апробацияси. Таджикот натжидалари 5 та республика ва 4 та халқаро илмий-амалий анжуманлар ва 1 халқаро конференсда муҳокамадан ўтказилган.

Таджикот натжидаларининг эълон қилинганлиги. Таджикот мавзуси бўйича жами 22 та, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик (PhD) диссертациялари асосий илмий натжидаларини чоп этиш тавсия қилинган илмий нашрларда, жумладан, 5 та республика ва 6 та хорижий журналларда нашр этирилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, 3 боб, умумий ҳулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат бўлиб, умумий ҳажми 140 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ MAЗМУНИ

Диссертациянинг кириш қисмида мавзунинг долзарблиги асосланган, муаммонинг ўранилганлик даражаси баён қилинган, таджикотнинг максалди ва вазифалари, объекти ва предмети, таджикот ишининг фан ва технологияларни ривожлантиришнинг ўстувор йўналишларида мослиги кўрсатилган ҳамда таджикотнинг илмий янгилиги, натжидаларнинг ишончлилиги, назарий ва амалий аҳамияти, амалиётга жорий қилиниши, эълон қилингани, ишнинг тўзлилиши борасидаги маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг “Инглиз тили дарсларида ўқувчиларда маданиятларро бағрикенглик компетенциясини шакллантиришнинг назарий асослари” деб номланган биринчи бобида инглиз тили дарсларида умумий ўрта таълим мактаби ўқувчиларида маданиятларро бағрикенглик компетенциясини шакллантиришни ривожлантиришга долзарб муаммо сифатида қаралиб, унинг ижтимоий-педагогик асослари ва педагогик имкониятлари тахлили баён қилинган.

Шу билан бирга, инглиз тили дарсларида ўқувчиларда маданиятларро бағрикенглик компетенциясини шакллантириш бўйича хорижий тажрибачилар ва уларни омдалаштиришга онд тарихий ҳамда халқаро тажрибачилар тахлиллари келтирилган. Ўқувчиларда маданиятларро бағрикенгликни шакллантиришда инглиз тили алоҳида аҳамиятта эга.

Э.Танненбаум ва С.Риздон (2013) эътироф этишга кўра, инглиз тилини ўрганиш турили халқ маданиятларига мансуб бўлган ўқувчилардан ташкил топган синфда инглиз тилини ўрганиш янада завқли ва кашфиётларга бой бўлади.²

Маданиятларро бағрикенглик бу – икки ёки ундан ортик маданиятларга мансуб индивидлар, гуруҳлар ва ижтимоий ҳамжамиятлар ўрасидаги ўзаро сабр-тоқатлилик, меҳр-муруватлилик, гамхўрлик, саҳийлик, кечиримлилик, ўзгаларни борича қабул қилишлилик, бағрикенг бўлишлик демакдир.

² Устопи: The Central City Press. Staub, H. (1999). Designing a cross-cultural course. English Forum, 32 (3).

Маданиятларро бағрикентлик тушунчасини, аввало, мактаб ўқувчиларида шакллантириш мақсада мувофиқдир. Ўқувчиларни бағрикентлик, яъни ўз-ўзларининг турмуш тарз, хулқ-атвори, хис-туйғулари, ғойлари ва эътиқодларига нисбатан тоқатли бўлиш руҳида тарбиялаш бўлган кунининг долзарб муаммоларидан бирита айланмоқда.

Маданиятларро бағрикентликни ривожлантириш жараёни инглиз тили дарсларида олоб-ахлоқ ва хулқ-атвор қондлари билан уйғун тарзда интерфаол таълим методлари ва дарслар ташқари машғулотлар, реџи мувоқотлар орқали тарғиб қилинади. Бу инглиз тили дарсларида демократик ва ўзаро ҳамкорлик муҳити, холисона баҳолаш, ўқитувчи-ўқувчи ахлоқи ва ўзаро муносабатни, ўқув жамоасига тегишли ўзаро анъана ва қадриятларидан ноборат бўлган сўзлаш ўрнини муҳитини яратиш имкониятини беради. Бу йўл орқали ўқувчилар ўзларига нисбатан бағрикентлик муносабатларини, ўзлари билан бирга таълим олаётганлар ва гуруҳдошлари ўртасидаги алоқаларда бағрикентлик ва ҳамдардликни ривожлантиради.

Ўқувчиларда бағрикентликни ривожлантириш жараёни маданиятларро ва шахсларро муносабатларини шакллантирувчи мавзулар ва материалларни киритиш орқали кучайтирилади.

Шундай қилиб, сўнгги йилларда ўқувчиларда “оммавий маданият” кирди келиши орқали юзга келатган турли хил муаммолар нисбатан кескин бўлиб келганлиги сабабли маданиятларро бағрикентликка бўлган эътибор кучайиб бормоқда. Инглиз тили дарслари маданиятларро муносабатларини хурмат қилишни шакллантириш ва бошқа халқ маданиятларини тушунишни, қадриятларини эъзозлашни ривожлантириш учун самарали муҳитдир. Маданият тили ўрганувчига ва ўқув жараёнига қатта таъсир кўрсатади. Умуман олганда, ўқувчилар ўзга маданият ва улар ўрганадиган тилга салбий муносабатда бўлишга мойил бўлишади.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, бир қанча миллат, дин вакиллари тахсил олаётган таълим муассасаларининг инглиз тили дарсларида маданиятларро бағрикентликни шакллантириш самарали натижа беради. Бундай гуруҳлар орасидаги ҳамкорликни таъкид этишда мактаб ўқувчиларининг билиш фаоллигини жонлантириш, жамоа бўлиб ишлаш ҳаракатини таъкид этиш натижада ушбу гуруҳларнинг аъзолари орасида дўстлик, биродарлик, ҳамжиҳатлик, бир-бирини ўзаро қўллаб-қувватлаш хисси тарқиб топиб, мустаҳкамланиб боради. Улар секин-аста бир-бирларига кўникиб, ўзаро бардошли бўлишни бошлайдилар. Турли миллат ва динга тегишли бўлган бундай ўқувчилар бир-бирларининг урф-одат ва қадриятлари, турмуш тарзларига хурмат билан қарашни ўрганадилар. Шу билан бирга, шахсий толерантлик тушунчалари қамайиб, ўқувчилар кўпроқ ижтимоийлашиб борадилар.

“Чет тили” дарслари ўқувчиларда маданиятларро бағрикентликни шакллантириш учун қатта имкониятларга эга. Чет тили — бу мактаб, ижтимоий ва таълим муҳитидаги кўп маданиятли муҳитнинг бир қисми бўлиб бағрикентликни шакллантириш бунда амалга ошириладиган

маданиятларро, ижтимоий ва мадрий муносабатлар таъинидаги қабил муҳит, тартибот миллий маданиятни ўлаштириш, шаклланиши маданият таълим орқали инсон қадриятлари чет тилини ўрганиш шартларидир.

Шундай экан, дарста оид бўлган манбалар бағрикентликка оид мавзулар билан бойитилиши керак. Тилини ўргатиш халқ маданиятидан хабардор бўлишга ва хорижий тилини ўқитиш эса, бошқа халқ маданиятларига нисбатан бағрикент бўлишга ўргатади. Чет тили ўқитувчилари ўқувчиларнинг дунёқарашини ва уларнинг қадриятларини шакллантириш имкониятига эга.

Диссертацнанинг “Инглиз тили дарсларида ўқувчиларда маданиятларро бағрикентлик компетенциясини шакллантиришнинг амалий асослари” деб номланган иккинчи бобида инглиз тили дарсларида ўқувчиларда маданиятларро бағрикентлик компетенциясини шакллантиришнинг мазмуни, унга қўйиладиган педагогик талаблар ва ўқувчиларда маданиятларро бағрикентлик компетенциясини шакллантириш усуллари, методлари ва механизмлари баён қилинган.


Дунё яралибдики, унинг барча даврларида бағрикентлик инсонга хос энг олий фазилат хисобланган. Кўп миллатли ва кўп маданиятли мамлакатларда бағрикентлик тушунчаси етарлича шакланмас экан, ўзга миллат ва дин вакилларига нисбатан тоқатсизлик, зўравонлик ва турли можароларнинг келиб чиқишига замин яратилган бўлади.

Ўқувчиларда маданиятларро бағрикентлик тушунчасини шакллантиришда чет тили дарслари алоҳида аҳамият қабл элади. Чунки чет тили дарсларида ўқувчилар ўзга халқлар, маданиятлар тўғрисида қўпгина маълумотларга эга бўлиши билан бирга уларга нисбатан меҳр-шэфқатли, унга нисбатан хурмат туйғуси билан қараш ва, шунингдек, ҳамжиҳат бўлишни ўрганади.


Тадқиқотларимиз таҳлили шуни кўрсатадики, мамлакатимиз ўқувчи-џшларида маданиятларро бағрикентлик тушунчасини шакллантириш муҳим. Бунга сабаб эса, мамлакатимизда турли миллат вакилларнинг узок йиллардан бери биргаликда яшаб келишидир. Маданиятларро бағрикентлик тушунчасини шакллантириш жамиятда тотувлик ва ҳамжиҳатлик, барқарорлик ва таракқиётни таъминлашнинг муҳим воситаси хисобланади.

Деяк, биз умумтаълим мактабларида ўқувчиларда маданиятларро бағрикентликни шакллантиришга алоҳида эътибор қаратишимиз керак. Ўқувчиларда маданиятларро бағрикентликни хосил қилиш барча фанлар кесимида амалга оширилиши мумкин, лекин, асосан, чет тили дарсларида бу бирмунча самаралироқ бўлади. Мактаб чет тили дарслари ўқув режасига маданиятларро бағрикентлик туйғусини шакллантиришга доир қўшимча материаллар киритилиши керак.

Инглиз тили дарсларида умумий ўрта таълим мактаби ўқувчиларида маданиятларро бағрикентлик компетенциясини шакллантириш жараёни модели ишлаб чиқилди:



1-расм. Ҳуҷумий ўрта таълим мактаблари ўқувчиларнинг маданиятларо бағрикенглик компетенцияси шакллантириш механизми



2-расм. Қўп маданиятли мўҳитда ўқувчиларда маданиятларо бағрикенгликни шакллантириш функциялари

Шу билан бирга, инглиз тили дарсларида алоҳида маданият кўни дарслари йўлга қўйилиб, унда дунё халқлари маданиятига сەҳнат мўҳити яратилади. Шунингдек, тадқиқотимиз жараёнида шу нарса аниқландики, шахснинг миллий ва дунёвий маданиятига киришиши масалалари ечими, унинг бошқа маданиятлар билан танишуви ва ўқувчи шахснинг бағрикенглик сифатлари унинг юқори синфдаги қўп маданиятли мўҳитга: мослашувчан, ижтимоий-хуқуқий, маданий, таълимий, тарбиявий, ижтимоий-тарбиявий кабиларга кириши олиш имконини беради.

Қўп маданиятли мўҳитда ўқувчиларда маданиятларо бағрикенгликни шакллантириш функциялари қўйиладиган талаблар: педагогик қўлаб-қувватлаш; тенгдошларнинг ўзаро маданиятларо мулоқоти; маданиятни, тилини, тарихини, турли менталитетга тегишли бўлган одамлар билан танишишни ўрғаниш, этник гуруҳларнинг миллий маданияти асосларига таъсир қилиши.

Маданий функцияга мўвофиқ ўқувчиларга ўзларини яхши англаб етишга, турли маданий қатламларга тегишли бўлган халқларни яхши қабул қилишга ўрғатиш керак.

Шуни таъкидлаш керакки, чет тили ўқитиш жараёнида ўқувчиларда маданиятларо бағрикенгликни шакллантиришда ўқитувчиларнинг ўрни мўҳимдир. Ҳаётинг матнлар, чет тилидаги газета ва журналларни ўқиш, бошқа халқ маданиятини таништирувчи адиоматларни тинглаш ва видеофильмларни томоша қилиш, ўқувчиларга уша тил халқи маданияти билан боғлиқ муаммоларга бошқача кўз билан қарашга имкон бериб, тили ўрғанилаётган халқ маданияти вакилларининг турмуш тарзини, менталитети, анъана ва урф-одатлари тўғрисида билим беради.

Шу билан бир қаторда, тадқиқотлар таъхлиги натижасида инглиз тили дарсларида маданиятларо бағрикенглик компетенциясини шакллантиришга доир бир қанча методлардан кенг фойдаланиш мўмкин.

Диссерациянинг "Педагогик таъриба-синов ишларини таъхил этиши ва уларнинг самардорлигини аниқлаш" деб номланган учинчи бобида умумий ўрта таълим мактаби ўқувчиларида маданиятларо бағрикенглик компетенциясини шакллантиришни ривожлантиришнинг

Баҳолаш методикаси, тажриба-синов ишлари натижалари ва статистик таҳлили ва самарадорлиги ёрилган.

Тадқиқот бўйича сўронома Тошкент вилояти Чирчик шаҳри 26-сонли, Жиззах вилояти Ш.Рашидов тумани 22-сонли ва Самарқанд вилояти Жомбой тумани 28-сонли умумий ўрта мактабларининг 5-9 синфларининг жами 762 нафар ўқувчиларидан иборат тажриба ва назорат гуруҳлари ўртасида ўтказилди.

1-жадвал
Тажрибадан сўнг инглиз тили дарсларида ўқувчиларда маданиятлараро бағрикенглик компетенциясини тушувчасини ўзлаштириш даражалари бўйича олинган натижалар

Умумий ўрта таълим мактаблари	гуруҳлар	ўқувчилар сони	Даражалар									
			анкета саволларига берилган жавоблар									
			1	2	3	4	5	6	7	8		
Тошкент вилояти Чирчик шаҳар 26-сонли ўрта мактаб	Тажриба гуруҳи	124	юқори	37	39	36	37	40	36	40	40	39
			ўрта	62	64	60	63	64	61	63	61	
			паст	25	21	28	24	20	27	21	24	
		Назорат гуруҳи	юқори	15	19	15	16	18	17	17	19	
			ўрта	39	34	39	40	37	51	51	51	
			паст	70	71	70	68	73	56	56	54	
	Жиззах вилояти Ш.Рашидов тумани 22-сонли ўрта мактаб	Тажриба гуруҳи	128	юқори	38	39	36	36	38	35	39	35
				ўрта	69	68	72	72	68	71	71	69
				паст	21	21	20	20	22	22	18	24
		Назорат гуруҳи	юқори	14	14	16	15	15	15	15	17	
			ўрта	44	43	35	39	35	38	38	39	
			паст	69	70	76	73	75	72	72	71	
Самарқанд вилояти Жомбой тумани 28-сонли ўрта мактаб	Тажриба гуруҳи	130	юқори	33	34	37	33	37	35	32	33	
			ўрта	68	70	69	67	69	70	66	67	
			паст	29	26	24	30	24	25	32	20	
	Назорат гуруҳи	юқори	15	14	16	18	19	16	16	15		
		ўрта	36	43	35	41	36	39	33	42		
		паст	78	72	78	70	74	74	80	72		
Жами	Тажриба гуруҳи	382	юқори	108	112	109	106	115	106	111	107	
			ўрта	199	202	201	202	201	202	200	197	
			паст	75	68	72	74	66	74	71	78	
	Назорат гуруҳи	юқори	49	48	48	47	48	50	46	47		
		ўрта	116	120	117	116	120	128	120	124		
		паст	116	120	117	116	120	128	120	124		

паст	215	212	215	216	212	202	214	209
------	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----

Ушбу жадвал маълумотларида барча саволларга жавоблар умумлаштирилган ҳолда акс эттирилди. ўтказилган тажриба-синов натижаларига кўра, тажрибадан кейинги билим даражалари қай тарзда эканлигини билиш максатидида ўтказилган синов натижаларидан иборат статистик жадвални тузамиз.

2-жадвал
Гуруҳлар тажриба якунидаги статистик жадвали

Гуруҳлар	5	4	3	
1-танланма (тажриба гуруҳи)	$x_{11}=110$	$x_{12}=200$	$x_{13}=72$	$n_1=382$
2-танланма (назорат гуруҳи)	$x_{21}=48$	$x_{22}=120$	$x_{23}=216$	$n_2=380$
Σ	$x_{11}+x_{21}=158$	$x_{12}+x_{22}=320$	$x_{13}+x_{23}=288$	$n_1+n_2=762$

Олинган натижалардан тажриба гуруҳи баҳолаш мезони бирга тенглиги ($K_{\text{сб}}=1,01>1$) ва иккинчи тафаккур ривожланглик даражасининг баҳолаш мезони нолдан катталигини ($K_{\text{сб}}=0,51>0$) кўриш мумкин.

Бундан кўринадики, тажриба якунида олинган натижалар бўйича билим даражалари тажриба ва назорат гуруҳларидаги ўқувчиларнинг бағрикенгликни ривожланиш даражаси бир-биридан фарқ қилиб, уларнинг самарадорлиги 1,14 га тенг. Бошқача айтганда, тажриба гуруҳидаги самарадорлик назорат гуруҳига нисбатан 14% га юқори экан.

Юқоридаги натижаларда шундай хулоса қилиш мумкинки, тажриба-синов ишларида олиб борилган тадқиқот ишлари, яратилган ишланмалар ва дарсларда тўғри ташкил этилган методика орқали олиб борилган ишлар самарали эканлиги математик-статистик усуллар орқали исботланди.

Ушбу статистик маълумотларга кўра, олиб борилган тадқиқот ишлари самарадорлиги ўртача 14% га юқори эканлиги маълум бўлди ва олиб борилган тадқиқот иши натижалари самарали эканлиги исботланди. Бундан маълумки, тадқиқот доирасида амалга оширилган экспериментал ишлар якунида эришилган илмий педагогик натижалар кўйилган илмий фарзнинг тўғрилигини яққол исботлади ва инглиз тили дарсларида маданиятлараро бағрикенглик компетенциясини шаклланишини ривожланган кузатилади. Бундан инглиз тили дарсларида маданиятлараро бағрикенглик компетенциясини шаклланишини ривожланиш боёқчиларини қанчалик ўзлаштирилганлиги маълум бўлди.

Ўқувчиларнинг инглиз тили дарсларида маданиятлараро бағрикенглик компетенциясини шаклланишини ривожлантиришда фойдаланишлари учун барча имкониятлари бор: матнлар, ўқув-ўқувчи қўлланмалар, дарсликлар,

шунингдек, аудио ва видео материаллар, техника воситалари ва ҳ.к.лар билан таъминланганлигини алоҳида таъкидлаш лозим.

Хулоса қилиб шунини айтиш мумкинки, инглиз тили дарсларида маданиятларро бағрикенглик компетенциясини шакллантиришда ривожлантириш учун кенг имкониятлар мавжуд бўлиб, ушбу педагогик тадбирларни муваффақиятли амалга ошириб бориш мақсадга мувофиқ.

ХУЛОСА

Инглиз тили дарсларида умумий ўрта таълим мактаби ўқувчиларида маданиятларро бағрикенглик компетенциясини шакллантиришда маданиятларни тақомиллаштириш бўйича олиб боришда тадқиқотларда натижаларга қўйиладиган хулосалар шакллантирилди:

1. Бағрикенглик ижтимоий-философий ва иқтисомий-сиёсий тушуنча хисобланиб, унинг мазмунини жамиятда миллатлар, элатлар, элатлар, биринчи қабул қила олиш, дунё ранг-баранглигини тан олиш, халқларнинг бир-бирини англаб етиш жараёни, улар ўртасидаги ўзаро барқарорлик, тинчлик-тотувлик тафаккурини билдиради. Дунё тақомиллиги бағрикенгликсиз тасаввур этиб бўлмайди. Инглиз тили дарсларида ушбу тушунчани шакллантириш янада самаралироқ бўлади. Шу сабабдан инглиз тили дарсларида умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчиларида маданиятларро бағрикенгликни шакллантириш устувор вазифа бўлиши керак.

2. Инглиз тили дарсларида маданиятларро бағрикенглик тушунчасини шакллантириш тил ўқитиш жараёнида уйғун ҳолда олиб борила янада самаралироқ бўлади. Чунки ўқувчининг тил ўрганиш жараёнида дунё маданияти билан ҳам таништириб борила, тил ўрганишга бўлган қизиқишлари ортади, шу билан бирга тил ўрганишда барча компетенцияларни яхши ўзлаштиришга ёрдам беради.

3. Инглиз тили дарсларида ўқувчиларда маданиятларро бағрикенглик компетенциясини шакллантиришнинг ривожлантиришда дарсдан ва дарсдан ташқари машғулотлар нинтеграциясини таъминлаш лозим.

4. Умумий ўрта таълим мактаблари инглиз тили дарсларида маданиятларро бағрикенглик муносабатларини ривожлантиришда асосланган ҳамкорликдаги педагогик ҳаракатни ташкил этишда қўйиладиган таъминотларга таъиниш лозим: ишончта асосланиш, тенглик, муаммони қўра олиш, ўзга халқ маданиятига ва кадриятларига нисбатан ҳурмат билан қараш, ўзаро ҳамкорликда ишлаш олиш, тенгдошлари маданиятини қабул қилиш.

5. Инглиз тили дарсларида ўқувчиларда маданиятларро бағрикенглик компетенциясини шакллантириш механизملари ишлаб чиқилди. Унинг механизملари деб қўйиладиган киритилди:

маҳсус тадбирларни қамраб олган структураларни ташкил этилиши (саҳҳат дарслари, маданият куни тадбирлари, беллашув лойиҳалари ва раёбатномалар);

таълим жараёнида шахсий маданиятларро бағрикенглик шакллантиришнинг ривожлантирилиши ("ўқитувчи", "ўқувчи", "ташкилотчи");

этика, маданият ва диний фарқларни қамраб олган олий даражадаги этика, маданият стратегиясини қуришда ҳолатларнинг муваффақиятли ўзаро алоқалар стратегиясини қуришда ҳолатларнинг муваффақиятли яритилиши (тенглик, муросасиялиқларсиэ);

ўқувчиларнинг маданиятларро бағрикенглик туйғусини шакллантиришда тўлалигини қўллашнинг (ўқувчиларни тинглаш қўбилияти, уларни фикрлари ҳурмат қилиш, муомала қилишда дўстона муносабатга эга бўлиш, ўқитувчи ноҳаж бўлиб ўқувчи ҳақ бўлганида ўз ҳатосини тан олиш, ўқувчи ютуғини самимий қўллаш);

гурӯҳларро мустақкам маданиятларро бағрикенгликни шакллантирилиши (ўзаро алоқа ўрнатилган қўлиқмасига эга бўлиш, универсал инсон ҳуқуқлари ва эркинлиги, индивидуаллик методларидан хабардор бўлиш, шахсий қизиқишларини, муносабатларини ҳурмат қилиш).

6. ўқувчиларда маданиятларро бағрикенглик компетенциясини шакллантиришнинг ривожлантиришнинг самарали усулларида бири бу чет тилидаги мулоқотнинг реал ҳолатларида ёзиб олинган ёки она тилида сўзлашувчилар томонидан ўқилган аудио матнлардир ва видео материаллардан фойдаланиш ҳамда ўқувчиларни гуруҳ бўлиб ишлашга ўргатиш.

7. Қўлмаданиятга таълим тилининг модели ишлаб чиқилиб, ўқувчиларнинг бағрикенгликни шакллантириш божиқлари, ўқитиш воситалари, қонуниятлари, шакллар ва уларни амалга ошириш методларини белгилайди. Ҳаётини матнлар, чет тилидаги газета ва журналларни ўқиш, бошқа халқ маданиятини таништирувчи аудио матнларни тинглаш ва видеофильмларни томоша қилиш, ўқувчиларга уш тил халқи маданияти билан боғлиқ муаммоларига бошқача кўз билан қарашга имкон бериб, тили ўрганилаётган халқ маданияти вақилларининг турмуш тарзи, менталитети, анъана ва урф-одатлари тўғрисида билим беради.

Тадқиқот натижалари асосида қўйиладиган тавсиялар ишлаб чиқилди:

1. Инглиз тили дарсларида ўқувчиларда маданиятларро бағрикенглик компетенциясини шакллантиришда ва уни ривожлантиришда "Сирли гап", "Ҳаммаси ўзим ҳақимда", "Ташаккур билдириш", "Қувноқ поездча", "Ўйлаб топ", "Саҳҳат дарси", "Савол тузатиш", "Исик карпошқа", "Ўзга халқ вақили билан суҳбат", "Ҳикоя яратил", "Тавриф бериш" каби методлардан фойдаланилса, янада самарали натижага эришилди.

2. Инглиз тили дарсларида ўқувчиларда маданиятларро бағрикенгликни шакллантиришнинг муҳим воситалар сирасига диалог, яъни мулоқотни киритиш мумкин. Мулоқот, асосан, икки киши, яъни ўқитувчи ва ўқувчи ўртасида амалга оширилади. Шунингдек, ўқувчиларда маданиятларро

бағрикентликни шакллантириш учун миллий ва дунё маданиятига тегишли бўлган материаллар асосида сяхта кўринишлари ва тақдиротлар тайёрлаш орқали ўқувчиларда бошқа халқ маданияти тўғрисида тушуنча холи килиши мумкин.

3. Инглиз тили дарсига онд бўлган манбаалар бағрикентликка онд мавзулар билан бойитилиши керак. Тилини ўргатиш халқ маданиятидан хабардор бўлишга ва хорикий тилини ўқитиш эса, бошқа халқ маданиятларига нисбатан бағрикент бўлишга ўргатади. Чет тили ўқитувчилари ўқувчиларни дунёкарашини ва ўқувчиларнинг кадриятларини шакллантириш кудратига эга.

4. Шу билан бирга, дарсдада кўшик материалдан фойдаланиши ҳам ўқувчиларда маданиятларо бағрикентликни шакллантиришда мухим восита хисобланади. Чет тили дарсини инглиз тилидаги кўшиклар билан бошлаш инглиз маданияти мухитини холи килишга имкон беради. Муайян кўшикни ижро этилганда болалар ўзларини инглиз тили мухитига киришларига ёрдам беради. Хар бир байрам, имконият, мавзу учун мос кўшик ўрганилади.

5. Тавлим мазмунининг асосий ижтимоий-маданний таркибий қисми тавлим матни хисобланади. Ўқув матни сифатида тематик, минтакавий, бадиний матнлардан кенг фойдаланиши мумкин.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ
РФД.03.04.06.2020.Ред.113.01 ДЖИЗАКСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ
ПЕДАГОГИЧЕСКОМ УНИВЕРСИТЕТЕ
УЗБЕКСКИЙ НАУЧНО-ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКИЙ ИНСТИТУТ
ПЕДАГОГИЧЕСКИХ НАУК**

КУРБОНОВА ДИЛНОЗА АРСЛАНОВНА

**МЕХАНИЗМЫ ФОРМИРОВАНИЯ МЕЖКУЛЬТУРНОЙ
ТОЛЕРАНТНОСТИ У УЧАЩИХСЯ ОБЩИХ СРЕДНИХ ШКОЛ
НА УРОКАХ АНГЛИЙСКОГО ЯЗЫКА**

13.00.01 – Теория педагогики. История педагогических учений

**АВТОРЕФЕРАТ
диссертации доктора философии (РФД)
по педагогическим наукам**

Джиззак – 2023

Тема диссертации доктора филологии (PhD) зарегистрирована в Выписи аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № В2021.1.Phd/Red2174.

Диссертация выполнена в Узбекском научно-исследовательском институте педагогических наук

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-сайте Научного совета по адресу (www.isri.uz) и на Информационно-образовательном портале «DiyonNet» по адресу (www.diyonnet.uz).

Научный руководитель:

Мегетова Раушан Мамдалировна
доктор педагогических наук, доцент

Официальные оппоненты:

Журакулов Фуркат Норингитович
доктор социологических наук, профессор

Ибрагимова Феруза Холбоевна

кандидат педагогических наук, доцент

Ведущая организация:

Каршинский государственный университет

Защита диссертации состоится «15» сентября 2023 года в 14 часов на заседании Научного совета РНД.03.04.06.2020.Red.113.01 при Джизакском государственном педагогическом университете (Адрес: 130100, город Джизак, ул. Ш.Рашидова, дом 4. Тел.: (+99872) 226-13-57; факс: (+99872) 226-46-56; e-mail: isri.info@isri.uz). Главный учебный корпус Джизакского государственного педагогического университета, 2 этаж, жилая комната №1.

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Джизакского государственного педагогического университета (зарегистрирована за №). Адрес: 130100, город Джизак, ул. Ш.Рашидова, дом 4. Тел.: (+99872) 226-13-57; факс: (+99872) 226-46-56.

Автореферат диссертации разослан « » 2023 года.
(реестр протокола рассылки № от 2023 года).



О.Х.Турракулов
Президент Научного совета по
присуждению ученых степеней, д.п.н., профессор

Н.Х.Кушватков
Секретарь Научного совета по
присуждению ученых степеней, к.п.н., доцент

Х.А.Мелиев
Председатель Научного семинара при научном совете по
присуждению ученых степеней, к.п.н., профессор

Введение (аннотация диссертации доктора филологии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В мире одно из ведущих мест в мире занимает формирование понятий толерантности, межкультурной толерантности у учащихся на уроках иностранного языка. Важность формирования межкультурной толерантности как социально-духовной ценности у студентов во всем мире и расширения ее педагогических возможностей теоретически обоснована многими учеными по сей день. В контексте цифрового образования, цифровой экономики современные педагогические технологии широко используются при обучении языку учащихся общих средних школ. Занятия английским языком также направлены на обучение учащихся мировой культуре в гармонии с языком. Обучая учащихся иностранному языку и культуре, весьма важно развивать у них навыки и интересы в изучении языка.

В мировых научно-исследовательских и образовательных учреждениях проводятся научно-исследовательские работы по организации учебного процесса на основе требований современного рынка труда, адаптации обучения к новым стратегиям, развитию базы образовательной инфраструктуры в рамках параметров, связанных с профессиональной деятельностью. В связи с этим особое внимание уделяется необходимости формирования у учащихся мотивации к усвоению новых знаний, развитию духовности ученика, межкультурной толерантности как важной нравственной нормы, которая должна быть сформирована у каждой отдельной личности.

В последние годы в нашей республике особое внимание уделяется совершенствованию методического обеспечения технологического образования, обучению школьников иностранному языкам на основе инновационных подходов. В Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан определены такие важные задачи, как «кардинальное повышение качества общего среднего образования, углубленное изучение иностранных языков, информатики и других важных и востребованных наук, таких как математика, физика, химия, биология». Для реализации данных задач, в частности, формировании у учащихся понятия межкультурной толерантности уроки иностранного языка имеют особую важную значимость. Есть две основные причины, по которым межкультурную толерантность можно рассматривать как неотъемлемую часть обучения иностранным языкам. Первое: английский язык занимает международное место, то есть является ключом к общению в разных сферах, в то время как второе обусловлено глобализацией, миграцией культуры населения в другие культурные условия. Это, в свою очередь, требует совершенствования дидактической системы организации ситуации формирования культурно-

³ «Узбекистон Республикасини янгида ривожлантириш бўйича Харажатлар стратегияси турмушида»ги Узбекистон Республикаси Президентининг Фармони. – Т.: Адолат, 2017. – Б. 22.

ориентированной толерантной компетенции наряду с овладением иностранным языком учащимся, внедрения современных подходов к ее интерпретированному содержанию, определения в нем методических возможностей обучения иностранного языка, совершенствования модели педагогического процесса формирования межкультурной толерантной компетенции на основе современных подходов.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит реализацией задач, обозначенных в Законе Республики Узбекистан № УП-637 «Об образовании» от 23 сентября 2020 года, Постановлении Президента Республики Узбекистан «О дальнейшем совершенствовании системы изучения иностранных языков» от 10 декабря 2012 года, № УП-60 «О стратегии развития Нового Узбекистана» от 28 января 2022 года и № 610 «О мерах по дальнейшему совершенствованию качества преподавания иностранных языков в образовательных учреждениях» от 11 августа 2017 года, Постановлении Кабинета Министров Республики Узбекистан № 312 «О мерах по эффективной организации популяризации изучения иностранных языков» от 19 мая 2021 года, а также в других нормативно-правовых актах, относящихся к данной области.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологической республики. Данное исследование выполнено в рамках приоритетного направления развития науки и технологической республики 1. «Пути формирования и реализации системы инновационных идей в социальном, правовом, экономическом, культурном, духовно-просветительском развитии информационного общества и демократического государства».

